

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ
ЖАҲОН СИЁСАТИ КАФЕДРАСИ**

РЕФЕРАТ

Сиёсатшунослик фанидан

МАВЗУ: Сиёсий жараёнлар

Бажарди: Арслонов Ж.
Жаҳон сиёсати йўналиши
1 курс талабаси

Тошкент-2013

РЕЖА

Кириш

Асосий қисм

1. Сиёсий жараёнлар тушунчаси ва унинг моҳияти

2. Сиёсий жараёнларнинг ўзига хос хусусиятлари

3. Сиёсий жараёнларнинг структураси

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Кириш

Инсоният XXI асрга хусусан фан, технология ва ахборот соҳаларидаги улкан ютуқлари билан кириб келди. Бинобарин, янги аср остонасидан бутун дунёда сиёсий жараёнлар янада жўшқинланди, ўзига хос аҳамият касб эта бошлади.

Сиёсий жараёнлар ўн ёки юз йиллар олдин пайдо бўлган тушунча эмас. Унинг тарихий илдизлари давлатчиликнинг, қолаверса, илк жамиятнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ. Зотан, ҳар бир жамиятни характерлайдиган асосий хусусиятлардан бири сиёсий жараёнларнинг мавжудлигидир.

Сиёсий жараёнлар кишилиқ жамияти ривожланишининг барча даврларида мавжуд бўлган, аммо унинг фаоллиқ даражаси турли даврларда турлича намоён бўлиб, ўзига хос характер касб этган.

Жамиятда турли ижтимоий ва сиёсий ҳодисалар, мураккаб сиёсий воқеалар рўй бериб туради. Аммо уларнинг моҳияти, мақсадлари, шунингдек, уларни келтириб чиқарадиган сабабларни англаб олиш анча мушкул. Сиёсий жараёнларнинг бугунги кунда долзарблиги ҳам айнан ана шунда намоён бўлмоқда.

1. Сиёсий жараёнлар тушунчаси ва унинг моҳияти.

Сиёсий жараёнларга кўп сонли кишиларнинг тортилиши, сиёсий арбобларнинг фаолияти, сиёсатнинг янада кўпроқ даражада омма назорати остига ўтишига олиб келмоқда.

Буларнинг ҳаммаси қўшилиб, шахснинг сиёсий мақоми, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари муаммосини ўта кескинлаштирди. Бинобарин, сиёсий жараёнларнинг моҳиятини ўрганиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Сиёсий жараёнлар ва унинг хусусиятлари, таърифлари тўғрисида турли хил фикр-мулоҳазалар мавжуд:

Сиёсий жараёнлар – жамият сиёсий ҳаётининг барча соҳаларида рўй берадиган воқеа-ҳодисалар ва ўзгаришлар бирлигидан иборат. Давлатларнинг ички ҳаёти ва халқаро сиёсий муносабатлари билан боғлиқ воқеа-ҳодисалар ҳам сиёсий жараёнларнинг таркибий қисми ҳисобланади.

Сиёсий жараёнларнинг яна бир бошқа таърифи қуйидагича ифодаланади:

Сиёсий жараёнлар деб жамиятнинг сиёсий ҳаётида турли хилдаги воқеа-ҳодисаларнинг рўй бериб туриши, уларнинг объектив қонуниятлар ҳаракати асосида давом этиши ва шу асосда жамиятнинг сиёсий жиҳатдан ривожланиб боришига айтилади.

Хуллас, сиёсий жараёнларнинг турли давр олимлари томонидан берилган турфа таърифлари мавжуд. Аммо унинг моҳияти ягона, яъни сиёсий жараёнлар бу – жамият ва сиёсат ёки шахс ва сиёсат муносабатидир.

Кенг маънода эса сиёсий жараёнлар— жамиятнинг сиёсий фаолиятидир.

Жамиятнинг сиёсий ҳаётида содир бўладиган барча ҳаракатлар оқими яхлит жараёндир.

Умуман, «жараён» сўзининг туб моҳиятига эътибор берсак, «жараён» сўзи латинча «prossesus», яъни «давом этиш» маъносини билдиради. Демак, сиёсий жараён ҳеч қачон турғун ҳолатда бўлмайди, у ҳар доим ҳаракатда бўлади. Худди шунингдек, «жараён» сўзи нафақат сиёсий соҳада, қолаверса, ижтимоий фанларнинг барча соҳаларида кенг қўлланилади, жумладан, тарих, фалсафа, психология, ҳуқуқшунослик ва бошқалар.

Сиёсий жараёнлар сиёсий муносабатлар иштирокчилари ва институтларнинг фаолиятини амалга ошириш ҳамда сиёсатдаги субъектларнинг ўзаро муносабатларини таъминлаш механизмларини ўзида мужассамлаштирган.

Сиёсий жараёнларнинг фаоллиги қай даражада бўлмасин, уни назорат қилиш ёки тўхтатиб қолиш мумкин эмас. У объектив жараён бўлиб, кишилар ёки гуруҳларнинг хоҳиш-истагига бўйсунмайди. Шу сабабдан ҳам, сиёсий жараёнларнинг боришини истаган вақтда, истаган томонга буриб юбориш мумкин эмас. Сиёсий жараёнлардан фақат бир гуруҳ ёки бирор шахс ҳам ўз манфаатлари йўлида фойдалана олмайди. Сиёсий шахс ва сиёсий гуруҳлар ҳамда ташкилотлар сиёсий жараёнларга таъсир қилиши мумкин, ҳолос. Бу жараёнлар ўзининг объектив қонуниятлари асосида давом этади.

Сиёсий жараёнлар «сиёсий муносабатлар», «сиёсий институтлар» каби тушунчаларга нисбатан мазмунан анча кенг маънони англатади. Агар “**сиёсий муносабатлар**” тушунчаси турли субъектлар ўртасидаги муносабатни ифодаласа, сиёсий жараёнлар эса ҳам субъектлар, ҳам объектлар ўртасидаги муносабатларни ва уларнинг ҳар бирида рўй берадиган ўзгаришларни акс эттиради.

Шунингдек, сиёсий муносабатлар ва сиёсий жараёнларни сиёсий институтларнинг таъсирисиз, уларнинг фаолиятисиз тасаввур этиб бўлмайди. **Сиёсий институтлар** нисбатан мустаҳкам, ўзгармас, барқарор хусусиятга эга бўлиб, сиёсий тизимга бевосита таъсир кўрсатади.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан сиёсий жараёнларнинг яна бир таърифи вужудга келади:

Сиёсий жараёнлар – сиёсий воқеаларнинг тараққиёти, сиёсий субъектларнинг жамият сиёсий тизимини шакллантириш ва амалга ошириш мақсадида олиб борган сиёсий ҳаракатлари механизмидир.

Шу ўринда, сиёсий жараёнларнинг таърифи тўғрисида гапирганда, юқоридаги фикрларни ҳисобга олган ҳолда, ҳозирги сиёсий жараёнларнинг моҳиятига мос ҳулосавий таърифни яратиш эҳтиёжи пайдо бўлади:

Сиёсий жараёнлар жамиятнинг барча соҳаларида рўй бераётган сиёсий ва ижтимоий воқеа-ҳодисаларнинг яхлит тизимидир. Сиёсий онг, сиёсий хабардорлик, сиёсий фаолият ва ички ҳамда ташқи сиёсат билан боғлиқ барча ҳаракатлар сиёсий жараёнларнинг сиёсий тизим сифатида ривожланишида асосий омил вазифасини ўтайди.

Сиёсий жараёнлар сиёсий онг, сиёсий фаоллик ва демократик тамойилларнинг кай даражада ривожланганлигини белгиловчи асосий мезонлардан биридир.

Сиёсий институтларга давлат ёки унинг органлари – қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд ҳокимияти, лоббизм ва сиёсий раҳбарлик институтлари киради. Жамиятда сиёсий фаолият, сиёсий ҳаракатлар ҳам сиёсий институтлар таъсирида амалга оширилади. Сиёсий онгнинг шаклланиши ҳам худди мана шу сиёсий институтлар билан бевосита боғлиқ бўлиб, жамиятда сиёсий онгнинг юқори даражада шаклланиши сиёсий жараёнлар динамикасини таъминловчи омиллардан бири ҳисобланади.

2. Сиёсий жараёнларнинг ўзига хос хусусиятлари.

Маълумки, сиёсий жараёнлар давлатнинг ички ҳаётида ва халқаро миқёсда ҳамда умуман жамиятда рўй берадиган барча ўзгаришларни акс эттиради. Бу ўзгаришлар ўзининг моҳияти, мазмуни ва хусусиятларига кўра, бир-биридан фарқ қилганлиги учун ҳам уларнинг сифат ва миқдор мезонларини бир хил ўлчов билан изоҳлаш мумкин эмас.

Ҳозирги дунёдаги ***сиёсий режим*** ва давлатлардаги сиёсий манзаранинг хилма-хиллиги туфайли ҳар бир давлатдаги сиёсий жараёнлар ўзининг хусусиятларига кўра бир-биридан кескин фарқ қилади.

Ҳар бир давлатда фаолият кўрсатаётган сиёсий кучларнинг ҳар хиллиги ҳам сиёсий жараёнларнинг хилма-хиллигига таъсир кўрсатади. Ҳатто бирор-бир мамлакатда сиёсий ҳокимиятнинг алмашиши ва, пировардида, шу мамлакат ижтимоий ҳаётидаги тартибларнинг ўзгариши ҳам сиёсий жараёнларга таъсир

кўрсатади. Чунки янги ҳокимият мамлакатнинг сиёсий йўлини ўзгартиришга, мавжуд муаммоларни янгича усуллар ёрдамида ҳал этишга ҳаракат қилади.

Аммо сиёсий жараёнларнинг кескин фарқ қилувчи томонлари билан бирга уларнинг умумий, ўхшаш томонлари ҳам мавжуд. Ҳозирда, айниқса, бутун жаҳон ҳамжамиятини ўз домига тортаётган глобаллашув жараёни даврида ҳам сиёсий жараёнлар айрим хусусиятларининг умумлашиши табиий ҳодисадир.

Масалан, бутун дунё мамлакатларида демократлаштириш, кўппартиявийлик тизимини яратиш, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, уни ҳимоя қилишга доир жадал ҳаракатлар сиёсий жараёнларнинг умумий жиҳатларидан бири ҳисобланади. Албатта, глобаллашув жараёнида нафақат сиёсий соҳаларда, балки бошқа соҳаларда ҳам умумий механизмлар вужудга келиши муқаррар.

Сиёсий жараёнлар қанчалик хилма-хил бўлмасин, уларнинг умумий хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

- ҳар қандай давлатда ҳам сиёсий жараёнларнинг бош манбаи ва лидер кучи халқ оммасининг онгли фаолиятидир;

- агар кишилар жамиятнинг сиёсий ҳаётида фаол иштирок этмасалар, сиёсий жараёнларнинг кечиши сустлашади ва бундай шароитда ҳар қандай сиёсий институтларнинг фаол ҳаракати ҳам ўзининг самарали натижасини бермайди.

Сиёсий жараёнларнинг яна бир хусусияти шундаки, у «сиёсий фаоллик» тушунчаси билан ҳам узвий боғлиқ, яъни кишиларнинг онгли сиёсий фаолияти сиёсий жараёнларнинг боришини белгилар экан, унда жамиятнинг ҳар бир аъзосининг давлатда амалга оширилаётган сиёсий ишларда фаоллик билан иштирок этиши тақозо этилади. Бинобарин, жамиятдаги сиёсий фаоллик инсонларнинг эркинликлари, демократик тамойилларнинг таъминланиши билан узвий боғлиқ. Жамиятда фуқароларнинг сиёсий ва ижтимоий ҳуқуқлари таъминланса, демократик тамойилларга амал қилинса, сиёсий жараёнлар ҳам, сиёсий фаоллик ҳам юқори даражада бўлади. Ёки аксинча, тоталитар ёки демократик тамойиллар таъқиб қилинган давлатларда, сиёсий жараёнлар анча суст даражада намоён бўлади.

Сиёсий жараёнларнинг боришини, унинг даражасини белгилаб берадиган лидер кучли сиёсатнинг хилма-хил субъектларидир.

Сиёсат субъектлари дунёнинг барча мамлакатларидаги сиёсий жараёнларга бўлган катта таъсири билан муҳим аҳамият касб этади. Сиёсат субъектлари, бир томондан, сиёсий жараёнларнинг ифодаси сифатида намоён бўлса, иккинчи томондан, улар жамиятнинг сиёсий ривожланишига таъсир этади, сиёсий жараёнларни таъминлаб турувчи куч сифатида фаолият кўрсатади.

Сиёсий жараёнларда сиёсат субъектларининг фаолият кўрсатиши ҳар бир мамлакатнинг сиёсий режими, унинг тарихий ва миллий шароитларига кўра, турли даражада бўлади. Масалан, дунёнинг айрим мамлакатларида сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг жамият сиёсий ҳаётидаги мавқеи кучли бўлса, баъзиларида эса сиёсий партия ва ҳаракатларнинг иштироки анча суст бўлади. Лекин шунга қарамай, сиёсий жараёнларнинг давлат ташкилоти ҳамма мамлакатларда ҳам лидер куч сифатида фаолият кўрсатади.

Сиёсатнинг бошқа бирон-бир субъекти давлат ташкилоти сингари имкониятларга эга эмас. Шунинг учун ҳам, сиёсий жараёнларнинг боришида, уларда рўй берадиган сиёсий муаммоларни ҳал қилишда давлат асосий куч сифатида фаолият кўрсатади. Ўзбекистон Республикасининг бозор иқтисодиётига ўтишнинг асосий тамойилларидан бири, яъни давлатнинг бош ислохотчи эканлигининг моҳияти ҳам мана шунда. Президентимиз томонидан илгари сурилган ушбу тамойиллар нафақат иқтисодий, ижтимоий, қолаверса, сиёсий соҳаларда ҳам аҳолининг кучли ҳимояланганлиги билан ажралиб туради.

3. Сиёсий жараёнларнинг структураси.

Сиёсий жараёнларнинг яна бир хусусияти шундаки, уларни яхлит бир тизим ҳолида ўрганиб бўлмайди. Бинобарин, сиёсий жараёнлар ўз характерига кўра икки гуруҳга бўлинади:

1. Умумий сиёсий жараёнлар;
2. Хусусий сиёсий жараёнлар.

Сиёсий жараёнларнинг бу икки гуруҳи нафақат ўзининг таъсир доираси ва унда қатнашувчилар кўлами билан, балки шаклланиш моҳияти, мақсад ва вазифалари ҳамда натижалари билан фарқланади. Аммо, шу билан бирга, сиёсий жараёнларнинг бу икки гуруҳи ўртасида уларни боғлаб турувчи жиҳатлар ҳам мавжуд. Масалан, хусусий сиёсий жараёнлар умумий сиёсий жараёнларнинг моҳияти, шакли ва амалга оширилишига ўз таъсирини ўтказиши мумкин.

Умумий сиёсий жараёнлар бутун жамиятни қамраб олади ва жамиятда мавжуд сиёсий тизимнинг ўзгаришига олиб келади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, умумий сиёсий жараёнлар хусусий сиёсий жараёнларнинг йиғиндиси эмас.

У хусусий сиёсий жараёнлардан нафақат таъсир доираси ва кўлами билан, балки жараёнлар ўз мазмун-моҳияти ва шаклига кўра ҳам фарқ қилади.

Умумий сиёсий жараёнлар қуйидаги уч шаклда амалга оширилади:

- эволюцион (тадрижий);

- революцион (инқилобий);
- кризис (инқироз).

Эволюция – сиёсий жараёнларни аста-секин, босқичма-босқич амалга оширишдан иборат бўлиб, сиёсий жараёнларнинг энг асосий ва нисбатан кенг тарқалган шакли ҳисобланади.

Эволюцион ўзгаришлар маълум давр шароитида жамиятда сиёсий жараёнларнинг амалга оширилишида сиёсат субъектлари ва фуқаролар ўртасида кескин фарқларни вужудга келтирмайди.

Сиёсий тизимнинг миқдор ва сифат ўзгаришида эволюцион жараёнлар энг маъқул йўлни танлашда ва барқарор ривожланишни таъминлашда катта аҳамиятга эга. Сиёсий жараёнларнинг эволюцион даврида аҳоли барча қатламларининг манфаатлари ҳисобга олинади. Эволюцион даврда мавжуд муаммоларни имкон даражада ҳал этиш устувор ва маъбул усул ҳисобланади. Сиёсий жараёнларнинг эволюцион даврига хос бўлган яна бир асосий жиҳати шундаки, ушбу даврда мавжуд муаммоларни ечишда куч ишлатиш инкор этилади.

Сиёсий жараёнларнинг босқичма-босқич шаклда ривожланиши давлатни бошқарувчи элита ва электорат, сиёсий партиялар, ижтимоий ҳаракатлар, ўз-ўзини бошқариш органлари ўртасида қарама-қаршилик ва зиддиятлар келтириб чиқармайди.

Сиёсий жараёнларнинг **революция** шаклида ривожланиши жамият ҳаётини тубдан ва кескин ўзгартиради ва у давлат тўнтарилиши содир бўлиши билан боғлиқ.

Сиёсий инқилобда куч ишлатиш, қурол йўли билан давлат ҳокимиятини ўзгартириш каби кескин хатти-ҳаракатлар амалга оширилади. Натижада, мавжуд барча сиёсий органлар фаолияти тўхтатилади. Унда миллион-миллион қурбонлар, катта (ҳар соҳадаги: ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий) йўқотишлар ҳам содир бўлиши мумкин.

Тарихий тажрибадан маълумки, инқилобий шаклда ривожланган сиёсий жараёнларда, кўпинча эришилган ютуқлардан кўра жамиятнинг зарар кўрган ҳолатлари ва йўқотишлар кўпроқ учраб туради.

Ва ниҳоят, умумий сиёсий жараённинг учинчи шакли **сиёсий инқироз** бўлиб, унинг асосий кўрсаткичи – қарама-қаршилик, келишмовчилик, тўқнашув ва зиддиятлар натижасида ҳокимият структурасини назорат қилишнинг йўқолишидир. Сиёсий жараённинг бундай шароитида сиёсий институтлар ўртасида мутаносиблик бузилади, натижада, аҳолининг амалга оширилаётган сиёсий жараёнлардан норозилиги кучаяди.

Худди шу ўринда ислохотларнинг инқироз шаклида ривожланиши ҳозирги пайтда муҳим бўлган хавфсизлик масаласини кескинлаштиради. Аммо сиёсий жараёнларнинг инқилобий ва инқироз ҳолатларининг вужудга келишига аниқ сабаблар ва омиллар ўз таъсирини кўрсатади.

Инқирознинг негизи иқтисодий ва ижтимоий соҳада намоён бўлади. Шунинг учун ҳам, ислохотларни амалга ошириш чоғида барча соҳаларни эътиборга олиш тақозо этилади. Албатта, иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий соҳалардаги ўзгаришлар сиёсий жараёнларга ёки ижобий, ёки салбий таъсир этиши мумкин.

Хусусий сиёсий жараёнларнинг таркибий элементлари қуйидагилардир: сабаб ва унинг пайдо бўлиши, объект ва субъект ҳамда мақсад.

Хусусий сиёсий жараёнлар жамиятда муаммо ва қарама-қаршиликларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг ўз ечимларини талаб қилишлари натижасида пайдо бўлади.

Масалан, бирон-бир давлатнинг солиқ тизимидаги норозилик қонунчилик фаолиятига ўз таъсирини кўрсатади. Бундай муаммолар кичик бир гуруҳ ёки кенг жамоатчиликнинг фикрини, манфаатларини ифода этиши мумкин.

Хусусий сиёсий жараёнларнинг объектлари деганда сиёсий жараёнларни ривожлантирадиган муаммолар назарда тутилади. Улар турли соҳадаги муаммолар бўлиши мумкин:

- бирор-бир сиёсий (мақсадларнинг) манфаатларнинг пайдо бўлиши ва уларни амалга оширишнинг зарурлиги;
- янги сиёсий институтлар, партиялар, ташкилотлар, ҳаракатлар, блоклар ташкил этиш;
- ҳокимият таркибини қайта ташкил этиш, ҳокимият тизимидаги сиёсий ўзгаришлар, Вазирлар Маҳкамаси таркибининг қайта тузилиши;
- мавжуд сиёсий ҳокимиятни қўллаб-қувватлаш, қайта ташкил этиш ва бошқалар.

Юқоридаги муаммоларнинг моҳиятини тушуниш учун сиёсий жараёнларда қатнашадиган субъектларнинг мақсад ва вазифаларини билиш лозим. Айтиш жоизки, хусусий сиёсий жараёнлар фақатгина сиёсий соҳага тегишли эмас. У жамиятнинг ҳар қандай: иқтисодий, сиёсий, маънавий ва маданий соҳаларида ҳам пайдо бўлиши ва ривожланиши мумкин (масалан, иқтисодий ёки ижтимоий муаммонинг сиёсий муаммога айланиб кетиши).

Хусусий сиёсий жараёнларнинг мақсадлари. Ушбу элемент сиёсий жараёнларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Чунки сиёсий жараёнларнинг мақсадлари унинг нимага йўналтирилганлиги, уни келтириб чиқарган сабаблар ва сиёсий ҳаракатнинг моҳиятини англатади. Сиёсий жараёнларнинг аниқ мақсадларини билиш ва тўғри тушуниш ушбу ҳаракатларга тўғри баҳо бериш имконини ҳам яратади. Сиёсий жараёнларнинг мақсадлари бир гуруҳ ёки бутун жамоатчилик мақсадлари йиғиндисидан иборат бўлиши мумкин.

Хусусий сиёсий жараёнларнинг яна бир хусусиятларидан бири — жараён қатнашчиларининг таркибий миқдори турли хил бўлишидадир. Масалан, хусусий сиёсий жараёнлар турли ижтимоий-сиёсий институтлар, ташкилотлар ва ҳатто давлат иштирокида ҳам бўлиши мумкин. Сиёсий жараёнларда бутун бир сиёсий партия ёки алоҳида бирор бир шахс ҳам иштирок этиши мумкин.

Сон жиҳатдан хусусий жараёнларнинг иштирокчилари бутун бир давлатни ҳам қамраб олиши мумкин. Бу сиёсий жараёнларнинг юқорида кўриб ўтилган таркибий элементларига боғлиқ. Масалан, сиёсий жараёнларнинг ўз олдига қўйган мақсади бутун жамият ёки кўпчилик манфаатларини ифода этса, бундай ҳолларда сиёсий жараёнларнинг кенг тарқалиши — бутун давлатни қамраб олиши мумкин.

Хусусий сиёсий жараёнларнинг типологияси ҳам мавжуд:

1. Хусусий сиёсий жараёнларни ўз кўламига кўра иккига — асосий (базавий) ва локал (маҳаллий) сиёсий жараёнларга бўлиш мумкин.

Асосий сиёсий жараёнларда аҳолининг фаоллигини, яъни ҳаракатларда аҳолининг турли қатламларининг иштироки тақозо этилади. Бундай кенг миқёсли сиёсий жараёнларга мисол тариқасида давлат ҳокимиятининг сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий соҳаларда қарорлар қабул қилиш ва унда омманинг фаол иштирок этишини келтириш мумкин.

Локал (маҳаллий) сиёсий жараёнлар нисбатан тор доирада бўлиб, ўз-ўзини бошқаришни ривожлантириш, шакллантириш ва сиёсий партиялар ҳамда ҳаракатларнинг ривожлантирилиши билан боғлиқ.

2. Сиёсий жараёнларни жамият билан ҳокимият ўртасидаги муносабатига кўра иккига бўлиш мумкин. Ушбу характерга (хусусиятларга) биноан хусусий сиёсий жараёнлар иккига бўлинади:

1) Барқарор сиёсий жараёнлар;

2) Беқарор сиёсий жараёнлар.

Ҳозирда сиёсатшунослар томонидан хусусий сиёсий жараёнларнинг барқарор тури анча мукаммал ўрганилган. Улар мустаҳкам сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий,

юқори даражадаги ҳуқуқий меъёрлар, сиёсий маданият билан боғлиқ. **Барқарор сиёсий жараёнлар** қонуний ҳокимият ва жамиятда можароларнинг кескинлашмаган даврида рўй беради.

Беқарор сиёсий жараёнлар эса сиёсий тизимдаги ёки сиёсий ҳокимиятдаги инқирозли вазиятларда пайдо бўлади ва ривожланади. Мавжуд сиёсий ҳокимият кескин вазиятни ҳал эта олмаган тақдирда сиёсий жараёнларда барқарорликнинг бузилиши ҳолати вужудга келади. Бундай вазиятларда мавжуд сиёсий ҳокимиятга қарши муҳолифатнинг шаклланишини ҳам кузатиш мумкин.

Сиёсий жараён ҳокимиятни ҳаракатда ўрганади. Шу туфайли, сиёсий жараён мавжудлигининг 3 таркиби ажратилади: турғунлик, ривожланиш, инқироз тартиблари.

1) **Турғунлик тартибида** шаклланиб бўлган сиёсий муносабатлар одатдаги чегараларда тутиб турилади. Бу тартибда сиёсат субъектлари фаолиятида консерватизм ва анъаналарга содиқлик етакчи бўлади.

2) **Ривожланиш тартибида** жамият ичидаги ва халқаро муносабатлардаги ўзгаришларга мувофиқ равишда сиёсий тизимнинг бошқарув ва амал қилиш услублари ўзгара бошлайди.

3) **Инқироз тартиби** – сиёсий яхлитликнинг йўқолиши, марказдан қочма кучларнинг ортиб бориши, ҳокимият қабул қилаётган қарорларнинг бажарилмаслиги, сиёсий ҳокимият легитимлиги йўқолиб боришини англатади.

Сиёсий жараён турлари. Сиёсий жараёнларни туркумлашнинг бир қанча усуллари мавжуд:

1. **Маданият тури.** Демократик жамиятлар учун маданиятни ўзлаштириш қийинчиликлари мавжуд.

2. **Сиёсий жараённинг устувор тури:** а) консенсусли (келишувли) тури; б) консенсусли, аммо унда муаммоларни ҳал этиш тури; в) давлат муаммоларини баён этиш ва ижтимоий гуруҳ тури; г) муаммоларни қўйишда пассив, лекин долзарб масалаларни ечишда фаол, шунинг учун манфаатли гуруҳлар қаршилигини ечишга асосланган тури.

3. **Ўтиш даврини** бошидан кечираётган жамиятларда сиёсий тизим мувозанатини таъминлаш услубларига кўра 3 турга бўлинади: а) технократик тури (қонунчилик ва сиёсий анъаналар доирасида); б) идеократик тури (анъанавий жиҳатларга хос, умуммиллий ғоя асосида бирлаштириш); в) харизматик тури (Шарқ маданиятида сиёсий етакчи ролига юқори баҳо берилади).

Умуман, сиёсий жараёнларнинг кўрсатиб ўтилган бу турлари соф ҳолда учрамайди, улар бир-бирини тўлдириб келади.

Сиёсий қарорларни қабул қилиш жараёни. Сиёсий қарор — ҳокимият амал қилиши билан боғлиқ вазифалар, босқичлар, воситаларни белгиловчи жараён. Сиёсий ҳокимиятнинг хусусияти шундаки, унда сиёсий талаб аниқ ифодаланмаган бўлса ва шу талабни ифодаляётган субъектларнинг доимий тазйиқи сезилмаса, тизим бундай талаб ва эҳтиёжлар жамият ҳаёти учун биринчи даражали аҳамиятга эга бўлса ҳам жавоб бермайди. Шунинг учун турли даражадаги сиёсий жараёнлар иштирокчиларининг бош вазифаси— ўз манфаатлари ва талабларини давлат ҳокимияти институтлари амалга ошираётган бошқарувга доир қарорларга киритишдан иборат. Сиёсий қарорлар сиёсий ҳокимиятни ижтимоий жараёнларни бошқаришга айлантириш технологиясидир. Сиёсий қарорларни қабул қилиш 3 босқичдан иборат:

1. **Тайёргарлик босқичи** (халқ оммаси фаол иштирок этади).
2. **Қарорларни қабул қилиш босқичи** (давлат, унинг органлари, партия).
3. **Қабул қилинган қарорларни амалга ошириш босқичи.**

Иккинчи босқичдаги сиёсий қарорларни қабул қилишнинг бир неча усуллари мавжуд:

Компромисс – узаро ёнбосишлар натижасида эришилган битим.

Консенсус (келишув) – қарор овоз бериш йўли билан эмас, келишув йўли орқали қабул қилинади.

Устушлик — сиёсатда бирор сиёсий куч ёки давлатнинг бошқа сиёсий куч ёки давлатларга нисбатан кучлироқ бошқа мавқени эгаллаши.

Учинчи босқичда ҳокимият қабул қилинган қарорларни ҳаётга татбиқ этади. Бу қарорлар сиёсатнинг барча субъектларини қониқтирмайди, лекин уларнинг амал қила бошлашини таъминлаш зарур.

Сиёсий иштирок жамият аъзоларининг ички сиёсий муносабатлар ва ҳокимият таркибига жалб этилганлигини билдиради.

Сиёсий иштирокнинг қуйидаги асосий турларини санаб ўтиш мумкин:

- 1) тўғридан-тўғри (бевосита) ва билвосита сиёсий иштирок;
- 2) умумий ва чекланган сиёсий иштирок;
- 3) ихтиёрий ва мажбурий сиёсий иштирок;
- 4) анъанавий, фаол ва пасив сиёсий иштирок;
- 5) легитим ва нелегитим сиёсий иштирок;

6) қонуний ва ноқонуний сиёсий иштирок¹.

Сиёсий иштирок шакллари ҳам турлича. Уларга ахборот қабул қилиш ва узатиш; сиёсат ва давлат арбоблари ҳамда ташкилотлари билан мулоқот; сайлов ва бошқа сиёсий кампанияларда иштирок этиш; намоёишларда, сиёсий иш ташлашларда, оммавий норозилик ҳаракатларида, озодлик урушлари ва инқилобларда; бошқарув ва ўз-ўзини бошқарувда; қонунлар яратиш, уларни ҳимоя қилиш ва уларга амал қилишда; сиёсий партиялар ва ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар фаолиятида иштирок этиш киради.

Сиёсий иштирок қуйидаги вазифаларни бажаради:

- турли манфаатлар, талаблар, умидларни ифодалаш, мувофиқлаштириш, амалга ошириш;
- сиёсатчилар ва бошқарув аппарати ходимларини танлаш. Улар фаолиятини назорат этиш;
- Бошқарувга доир қарорлар ва сиёсат йўналишини белгилашга аҳолини жалб этиш;
- сиёсий ижтимоийлашув;
- ихтилофларнинг олдини олиш ва бартараф этиш;
- бюрократия билан курашиш, фуқароларнинг сиёсат ва бошқарувдан бегоналашувига қарши кураш.

Сиёсатни амалга ошириш учун унинг барча даражаларида зарур нарсалар қуйидагилар:

1. Шахслар — сиёсий фаолият субъектлари.

2. Механизмлар — анъаналар, урф-одатлар, қоидалар, қонунлар сиёсий фаолият субъектларига таъсир этиш услублари.

3. Институтлар — сиёсий фаолият субъектларининг сиёсий фаолият механизмлари билан алоқадорликда амалга ошувчи тадбирларни қўллаб-қувватловчи, туртки берувчи, назорат қилувчи ва текширувчи ташкилотлар.

Шундай қилиб, сиёсий жараёнлар жамиятнинг сиёсий ҳаётида турли хилдаги воқеа-ҳодисаларнинг рўй бериб туриши, уларнинг объектив қонуниятлар ҳаракати асосида давом этиши ва шу асосда жамиятнинг сиёсий жиҳатдан ривожланиб боришини англатади.

¹ Қонуний ва ноқонуний сиёсий иштирок илмий адабиётларда конвенционал ва ноқонвенционал сиёий иштирок деб ҳам юритилади.

Сиёсий жараёнларнинг асоси ва уни ҳаракатга келтирувчи омил – сиёсий фаолиятда қатнашувчи инсонлар ёки уларга таъсир қилувчи сиёсий гуруҳлар ва ташкилотлардир.

Сиёсий фаолият кенг тушунча бўлиб, у бирор бир партия фаолияти ёки сиёсий раҳбарнинг нутқи ёки сиёсат субъектларининг сиёсий жараёнларда ёки бошқарувда қатнашиши билан изоҳланади. Сиёсат субъектларининг сиёсий фаолияти уч турга бўлинади:

- 1) Давлат бошқаруви;
- 2) Сиёсий раҳбарлик ва бошқарув;
- 3) Оддий фуқароларнинг сиёсий ҳаракатлардаги иштироки.

Юқоридаги категориялар, яъни давлат бошқаруви, сиёсий раҳбарлик ва бошқарув, оддий фуқароларнинг сиёсий иштироки асосан сиёсий фаоллик мавзусига тегишли бўлганлиги ва унинг умумий ҳолда сиёсий жараёнларга боғлиқлигини билиш билан кифояланиш мумкин.

Хулоса

Умуман олганда, сиёсий жараёнлар жамиятда сиёсий тизимни шакллантириш, амалга ошириш ва ўзгартиришга йўналтирилган бўлади. Сиёсий жараёнлар жамиятдаги турли хил ижтимоий гуруҳлар (сиёсатнинг микро ва макроактёрлари)нинг ўз манфаатларини амалга оширишга бўлган ҳаракатлари натижасида ривожланади. Жамиятдаги жуда кўп омилларга боғлиқ равишда сиёсий жараёнлар ривожланиб боради.

XX аср охири – XXI аср бошларида сиёсий жараёнлар янада жадаллашди, ривожланди. Бунинг асосий сабабларидан бири оммавий ахборот тизимларининг ривожланиши ва ахборот технологияларининг тараққиётидир.

Сиёсий жараёнларда шахснинг ўрни ва роли жуда муҳим. Ижтимоий тараққиётнинг кескин ривожланиши шахснинг сиёсат майдонидаги ўрни ва роли ҳамда унинг аҳамиятининг ошишига олиб келди. Одам нафақат биологик, балки ижтимоий мавжудотдир. Шунинг учун ҳам, ҳар бир сиёсий фаолият шахснинг турмуш даражаси, онги, унинг ижтимоий ва сиёсий фаолиятларига таъсир қилмоқда. Сиёсатга афкор омма янада кенгроқ тортилмоқда, улар фаолиятининг жадаллашуви юз бермоқда. Бу жараён аҳолининг барча табақаларини, ҳатто илгари сиёсий манфаатлари бўлмаган табақаларни ҳам ўзига тортмоқда.

Сиёсий жараёнларга кўп сонли кишиларнинг тортилиши сиёсий арбоблар фаолияти ва сиёсатнинг янада кўпроқ даражада омма назорати остига ўтишига олиб келмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Миллий давлатчилик, истиқлол мафкураси ва ҳуқуқий маданият тўғрисида. Т., 1999.
2. Рамазонов И., Мўминов Е. Политология. Дарслик. Т., 1997.
3. Шарипов Ф. Сиёсатшунослик. 1-2-китоблар. Т., 1996.
4. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти. Дарслик. Т., 2005.
5. Бобоев Ҳ., Мирҳамидов М., Ҳасанов С. Ўзбекистонда сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи. Т., 2005.
6. Одилқориев Ҳ.Т., Гойибназаров Ш.Ғ. Сиёсий маданият. Т., 2004.
7. Сиёсатшунослик асослари. Маърузалар матни. Т., 2005.
8. Хайдаров А.А. и др. Основы политологии. Т., 2003.
9. Файзиев М.М. Политология как наука и учебная дисциплина.//Общественные науки в Узбекистане. 1992. № 5-6.
10. Эргашев И. Сиёсат фалсафаси. Т., 2004.
11. Юсупова Г.Х., Бугаева Г.А. Сиёсий фикрларнинг шаклланиши ва ривожланиши тарихи. Политология курси бўйича маърузалар матни. 1-қисм. Т., 2000.